6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай ҳаракатларга йўл қўймасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда такдим этилган ариза/эътирозномa/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

**7. Якуний коидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган такдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган такдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган такдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| **ОПЕРАТОР:**<br>**"Ўзбектелеком" АК**<br>**Наманган филиали** | **АБОНЕНТ:**<br>16-сонли ДИМИ |
|---|---|
| Манзил: Наманган шахар Истиклол куча 57-уй | Манзил: Гурумсарой кишлоги |
| Банк маълумотлари: | Банк маълумотлари: |
| х/р: 2021 0000 0040 7483 8173; | х/р: 100021860142187092300015002 |
| СТИР: 203366731; | СТИР: 202974541; |
| МФО: 00874; АТБ "Алокабанк" | МФО: 00014; Банк номи: Марказий |
| Тел: ; | Тел: 43-21-219; |
| E-mail: b2b@uztelecom.uz; | E-mail: ; |
| | Доп: ; |
| **Оператор номидан:**<br>Б.Нурматов<br>имзо<br>М.Ў. | **Абонент номидан:**<br>Х. Дадабоева<br>имзо<br>м.п. Г. Кадиров |

Юрист

Исп.: Иргашев О
Тел.: (369) 227-00-71

2022 йил "27" январ
**PSTN-G0020/43 –сонли абонент шартномасига**
**1–илова**

**Кўрсатиладиган хизматлар**
**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | Телефон хизмати | 10000 | | 3 | 30000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| 2.4 | Бир ойлик абонент тўлови | | 125-1/7-сонли нархномага асосан | | |
| | **ЖАМИ** | | | | |
| 2.4 | | | | | |

Жами олдиндан тўлов миқдори 30000 (Ўттиз минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Хар ойлик тулов 10000 сум

Шартноманинг умумий миқдори 30000 (Ўттиз минг) сўмни ташкил этади. Ундан 10000 (Ўн минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда ______ (______) сўм бир маротабалик ADSL технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

| **ОПЕРАТОР:** | **АБОНЕНТ:** |
|---|---|
| **"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали** | 16-сонли Дими |
| **Оператор номидан:** | **Абонент номидан:** |
| Директор ______ **Б.Нурматов** | Директор ______ Х.Дадабоева |
| имзо/ м.ў. | имзо/ м.ў. |